



**НАВОИЙ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**



**ТВЕРЬ
ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



Navoi city, may 27, 2020

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

**Халқаро илмий онлайн конференция
2020 йил 27 май, Навоий**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО
СОТРУДНИЧЕСТВА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА
ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**Международная научная онлайн конференция
27 мая 2020 года, Навои**

**ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL
COOPERATION IN IMPROVEMENT OF QUALITY
OF THE HIGHER EDUCATION**

**International scientific online conference
May 27, 2020 year, Navoi**



NSPI.UZ



**COVID-19 БИРГА ЕНГАМИЗ!
ПОБЕДИМ COVID-19 ВМЕСТЕ!
BEAT COVID-19 TOGETHER!**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТВЕРЬ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Халқаро илмий онлайн конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2-китоб

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА
В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

МАТЕРИАЛЫ

Международной научной онлайн конференции

2-книга

ACTUAL PROBLEMS OF INNOVATIONAL COOPERATION IN
IMPROVEMENT OF QUALITY OF THE HIGHER EDUCATION

MATERIALS

of the international scientific online conference

Book 2

Навоий – 2020

Олий таълим даражасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг натижавий самарадорлигини янада ошириш, профессор-ўқитувчилар ва мутахассис-олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот фаолияти асосида яратилаётган илмий-технологик ишланмаларнинг тегишли соҳаларга оператив татбиғини таъминлаш илмий-инновацион ҳамкорликнинг асосий тамойилидир. Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-ф-сонли фармойиши асосида тасдиқланган “Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро илмий онлайн конференция материалларидан иборат.

Тўпламда рақамли технологиялар жараёнида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишнинг долзарб масалаларини илмий-назарий жиҳатдан қиёсий ўрганишга эътибор қаратилган.

Халқаро илмий конференция мақолалар тўпламини тайёрлаш учун
масъуллар:

Масъул муҳаррир:	Б.Б.Собиров, техника фанлари доктори, профессор
Илмий муҳаррирлар:	Н.О.Сафарова, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Д.Лельчицкий, доктор педагогических наук, профессор
Тақризчилар:	Б.Ф.Мухиддинов, техника фанлари доктори, профессор Е.Г.Милюгина, доктор филологических наук, профессор Б.О.Тўраев, фалсафа фанлари доктори, профессор С.О.Хўжжиев, биология фанлари номзоди, доцент
Таҳрир ҳайъати:	А.Х.Рахманова, ф.ф.н., доц., Р.Н.Юсубова, ф.ф.н., доц., Т.Р.Дустов, Д.А.Эргашева, Е.В.Югай
Техник муҳаррир:	М.Х.Норқобилов

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

бакалавров в соответствии с индивидуальными учебными стратегиями; 5) повышение автономности обучающихся в образовательном процессе; 6) ограничение ведущей роли преподавателя; 7) использование аутентичных учебных материалов. Кроме того, мы можем определить систему дидактических, методических, психолого-педагогических и собственно лингвистических принципов, имеющих первостепенную важность для разработки технологии обучения юристов международников иностранному языку специальности. Таким образом, контекст-ситуация позволяет соединить все внутренние (мотивация) и внешние (формы, методы) компоненты содержания обучения, способствуя эффективному формированию у обучающихся профессиональных компетенций и дискуссия, групповое практическое занятие, анализ профессионально-значимых ситуаций, разыгрывание ролей, имитационное моделирование. В интеграции этих видов деятельности и осуществляется развитие личности будущего специалиста. Это дает возможность, что технология профессионально ориентированного обучения иностранным языкам, направленная на формирование профессиональной языковой личности будущего специалиста, должна инкорпорировать в себе следующие компоненты: 1) концептуальный компонент, определяющий подходы к профессионально-ориентированному обучению и его принципы; 2) целевой компонент, включающий конечную и частные цели обучения; 3) содержательный компонент, конкретизирующий содержание обучения; 4) мотивационный компонент, обеспечивающий заинтересованность обучающихся в результатах УД по изучению иностранного языка специальности; 5) организационный компонент, обуславливающий формы взаимодействия преподавателя и обучающегося; 6) процессуальный компонент, раскрывающий организацию учебного процесса; 7) контрольно-оценочный компонент, определяющий способы контроля успешности процесса обучения и оценки образовательных результатов; 8) результативный компонент, фиксирующий достигнутые в процессе обучения результаты.

Литература

1. Ш. М. Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Тшкет, 2017 йил, 7 феврал, Пф 4947. Ўз Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6(766)-сон.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

Сафарова Н. ф.ф.н, доц. БухДУ, Ўзбекистон
Халилова Ш. БухДУ талабаси, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада шу куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири инсонларнинг муомла маданияти таҳлил этилган. Шу билан бирга унинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Муомала маданиятининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти атрофлича таҳлил этилган.

Annotation: The article analyses the culture of etiquette which is a significant and acute problem nowadays. Also, the peculiarities of it in the process of education and tutoring is mentioned. The significance of the increasing of the quality of education in the culture of etiquette is thoroughly considered.

Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафи саналади. Шу маънода инсон ўз гўзаллиги ва шарафи билан коинотдаги барча махлуқотлардан юксак бир мақомда туради. Бу ёруғ оламдаги барча неъматлар инсон учун яратилган. Унга ақл тил, тафаккур нутқ, фаҳм, фаросат ато этилган. Инсон зоти ўз ақли воситасида илм эгаллайди, илм туфайли дунёни англайди, бошқаради. “Ақл-деб таъкидлайди Абдулла Авлоний, инсонларнинг пири комили, муршиди, ягонасидир, руҳ ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ҳайвонлардан сўзи ва ақли билан ажралиб туради. Айни дамда инсон ақл-идроки соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сақланади. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан боғлаб, ипларининг учини кўлларига берган инсонларнинг ақлидир”[2,63].

Унинг ҳатти-ҳаракати, ички ва ташқи оламининг уйғунлигига қараб ўзини намоён этади. Фитрат айтганидек, “Инсон ўзини кўрсатгани каби бўлиши керак, ёки бўлгани каби кўрсатиши керак”, деб ҳисоблайди[5, 2]. Шу жиҳатдан унинг маданияти, муомаласи, муносабатлар тизимидаги ҳаракатлари маънавий қиёфасининг асоси сифатида кўзга ташланади. Инсоннинг маънавий қиёфаси, ўзининг хулқ - атвори, характер – хусусиятлари унинг муомала ва мулоқот маданиятида ифодаланади. У ўзининг ички олами, ҳис туйғусини орзу умидларини фақат муомала ва мулоқот жараёнида баён этаолади. Муомала одоби шуни тақазо этадики, ҳар бир киши бошқалар томонидан

иззат-икром ва ҳурмат қилишларини истар экан, у бошқаларнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиши лозим. Зеро, айтилган сўз ёки иборанинг ўзи қандай оҳангдалигига қараб кишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шунини билиш керакки, қандайдир бойликка эга бўлиш, юксак лавозим, ҳатто кексалик ёхуд кайфиятнинг бузуқлиги ҳам атрофдагилар билан қўпол муомалада бўлиш ҳуқуқини бермайди. Ибн Сино таъкидлаганидек: “Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжитмаслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи хуштабиатли бўлмоғи лозим” [3,109].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Биз учун муомала жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо қилади” [1,554].

Дарҳақиқат, жамиятнинг барқарорлиги ҳам ҳар жиҳатдан унда истиқомат қилувчиларнинг ўзаро муносабатлар тизимига, ўзаро алоқаларига, муомала ва муносабатлар диалектикасига ҳам бирдек боғлиқ бўлади.

Табиатга разм соладиган бўлсак, ундаги ҳар бир мавжудотнинг ўзаро мулоқотини ҳис этиш мумкин. Гуллар ўзининг ёқимли ифориини атрофга таратиб дилни хушнуд этса, кушлар ўзининг хониши орқали табиатга ўзгача жозиба бахш этиб, ўзаро мулоқот усулини вужудга келтиради. Инсонларда эса бу жараён турли хилдаги уларнинг ички оламидан, руҳий ҳолати, характер – хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзини ўраб турган жамият аъзоларига нисбатан вужудга келади. Муомалани яратилаётган асар деб қарайдиган бўлсак, унинг қайдаражада қалбга илиқ кириб бориши самимийлик бахш этишини таъминлаш фақатгина ижодкорларгагина боғлиқ ҳисобланади. Ёқимли мулоқот ҳам инсон қалбига ҳеч қандай бурилишсиз йўлолади. Шу жиҳатдан инсон ўзининг у ёки бу даражадаги муомаласи учун ўзи ўз ижодкорлигига, яъни ўз муомала маданиятига эга бўлишга интилиши лозим. Айниқса, таълим тизимида фаолият олиб борадиган ҳар бир инсон бу масалага жиддий қараши талаб этилади. Чунки, бугунги илм талаби ҳар кунлик хуш муомалани талаб этади. Илм истаган ҳар қанадай қалб, албатта чиройли муомалага, гўзал нутқ ва ифодага ошурфта бўлади.

Замонавий таълим ва тарбияда нутқ маданиятига эга бўлиш ҳар бир устоз-мураббий учун муҳимдир. Ўқитувчининг нутқи ўқув жараёнида ўқувчилар томонидан фанларни пухта ўзлаштирилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи нутқидаги ҳар бир ҳарф, товуш тўғри айтилиши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Индивидуал суҳбат пайтида баланд овоздан талаба, ўқувчи ўзини алданаётгандек ҳис қилади. Бу ўқитувчига ишончсизлик билан қараш ҳиссини уйғотиши мумкин. Айрим мутахассислар товуш туғма хусусият деб, айтишади. Лекин ҳозирги экспериментал физиология товуш сифатини ўзгартириш мумкинлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда нутқ техникаси бўйича бир неча машқ комплекслари ишлаб чиқилган. Улар асосан театр педагогикаси тажрибасига асосланган бўлиб, сўзлашиш пайтида нафас олиш, товуш ҳосил қилиш ва уни маъноли ифодалаш малакаларини такомиллаштиради, бу эса ўқитувчига ўз сўзи мазмунини ўқувчиларга янада тўлақонли қилиб етказиш имконини беради. Шу жиҳатдан муомала маданияти юксак бўлган инсон:

- ўз юрти, халқи, она тупроғини севиш ва унга садоқат билан хизмат қилади;
- жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлайди ва уларни кўпайтиради;
- ўтмиш аجدодларимиз таълимоти, урф-одатларини ўрганади, қадрлайди ва уларга риоя қилади;
- муқаддас китоблар, қонунлар ва қарорларга бурч, масъулият билан амал қилади.
- ўзини, оиласини, қариндош уруғларини, сафдошларини, халқини қадрлайди.

Муомала маданияти – умуминсоний маданиятнинг муҳим бўғини, калитидир.

У қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- ҳар бир фуқароннинг фаровонлиги ва ижтимоий билимдонлиги, бутун жамиятнинг ижтимоий фаровонлиги, шахсий англашни таъминлайди;
- мамлакат фуқароларининг ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши динга бўлган муносабати, социал мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгликка риоя қилишга ўргатади;
- муомала маданияти-инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, уларни кўпайтиришга йўллайди;

- мамлакат фуқароларининг асрлар давомида таркиб топган маданияти, маънавияти, таълим тарбияси, удумлари, аждодларимизнинг ўлмас меросларидан озиқлантиради;
- инсоний бурч, муомала масъулияти, адолат ва ҳақиқат эркинлик ва мустақиллик ғояларини асраб авайлашга хизмат қилади;
- маданиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришилган ютуқ ва муваффақиятларга фуқароларнинг онгли муносабатда бўлиши учун улардан фаол фойдаланишга ўргатади;

Биз маълум бир жамият азоси сифатида ҳаёт кечирар эканмиз унда фаолият олиб борар эканимиз, бир-биримиз билан ўзаро мулоқотимиз, биз яшаб турган жамиятнинг ҳар томонлама маънавий тараққиётига замин бўлади. Бугунги жамиятимиз аъзолари бўлган инсонлар ўртасидаги ўзаро муомала ва мулоқот турлари ва маданиятини йўлга қўйиш зарур. Бу энг аввало ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос муомала одоби қонун қоида ва нормалари мавжуд бўлганидек, устоз-шоғирд, ота-онавафарзанд, йигит ва қизлар ўртасидаги муомала ва мулоқотнинг ҳам ўзига хос маданиятини шакллантиради, инсоннинг маънавий киёфасини белгилайди. Асосий мақсад эса, бугунги кун ёшлари ўртасидаги муомала ва мулоқотни жамиятнинг маънавий талабларига мослаштиришга олиб келади.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан одамлар ўртасидаги мулоқотга ҳам эҳтиёж сезилган. Жамият аъзоларининг бир-бирлари билан ўзаро муносиб мулоқотлари шу жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётига замин бўлди.

Муомала кишини қайси миллатга хослигини эмас, аксинча муайян мамлакатга шахс яшаб турган географик ҳудудга боғлиқлигини ифодаловчи тушунчадир. Муомала аслида одамлар ўртасидаги муносабатни белгиловчи инсон юрагини кўзгуда акс эттирувчи воситадир. Муомала ахлоқ кўрки ҳисобланиб, ҳар бир киши қандай дунё қарашга эга эканлигини, билимлилиги унинг муомаласидан пайқаш мумкин. Ундан ташқари, муомала инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланиб, тилни ижобий маънодаги “алоқақуроли” сифатида қараш мумкин. Муомала – ахборот жараёни ҳисобланиб, бу жараёнда сўзловчи ва тингловчи ўртасида икки томонлама ахборот узатиш ва қабул қилиш ҳолати юз беради. Муомала ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади.

Муносабатлардаги кўркамликни ошириш учун инсонда муомала маданияти юксак даражада бўлмоғи керак. Муомала маданиятини мукаммал ўрганиш нафақат сўзлашувчининг балки тингловчининг ҳам кўнглини кўтаради.

Аслида муомала одоби ахлоқий маданиятнинг таркибий қисмидир. “Маданият” – арабча сўздан олинган бўлиб қадимд амадиналик, шаҳарлик, таълим, тарбия деган маъноларни англатиб келган. Бугунда фалсафа қомусий луғатида- “табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули” деб тарифланса, ўзбек тилининг изохли луғатида таълим тарбия кўрганлик, зиёилиқ ва маърифатлилик” деб, тарифланади. [4,63]

Демак, маърифатли маданиятли киши таълим тарбия кўрганлиги, ўқимишли бўлганлиги сабабли жамият учун моддий ва руҳий озуқа бериб, уларнинг ривожланиши, жисмоний-маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаоладиган шахс сифатида тушунилади. Маданият-инсониятнинг борлиқ ва онгининг барча соҳаларидаги у ёки бу маданий бойликларда ўз ифодасини топган тажрибаларни ўзлаштиришга асосланган табиат ва жамият ва унинг ўзини янгиданқ уришга сафарбар этилган ижодий маънавий фаолиятидир. Маданиятни жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётга бўлган муносабат, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирувчи омил сифатида таҳлил қилиниб, маданият назариясининг асосий йўналишларини аниқлаш, унинг мазмун моҳиятини аниқлаштиришда, жаҳон ижтимоий иқтисодий фанлари миқёсида маданият тушунчасига ёндашувларни кўриб чиқиш масаласини ойдинлаштиришда ёрдам беради. Маданиятнинг моддий ва маънавий омилларнинг бирлиги уйғунлигида эътироф этиш уни шахс кесимида қараш, деб англаш мумкин. Шахс нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак фуқароларнинг моддий эҳтиёжлари, маънавий омиллар ёрдамида қондирилса, маънавий омиллар моддийлик асосида шаклланади. Бу эса маданиятга гносеологик нуқтаи назаридан қараш ҳисобланади. Академик Э. Юсупов маданиятга шундай тариф беради: Маданият – бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган ўзларини эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир. Муомала маданиятининг мазмуни шу жамият фуқаролари учун хос бўлган табиат, жамиятни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида фуқароларнинг ижодий куч ва қобилиятлари ёрдамида муайян миллат, халқ ватан, давлатни раванқ топтириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини асраб авайлаб кўпайтиришга қаратилган, инсон фаолиятининг юксак намунасини ташкил этади. Муомала маданияти инсонни маънавий ва моддий жиҳатдан қомолотга етказувчи жараён сифатида инсон маданиятлашуви жараёнини тезлаштиради. Муомала маданиятини киши фақат оилада, болалар боғчаларида мактабда ва олий ўқув юр்தларидагина эмас, балки умр бўйи

хаётдан ҳам ўргана олади. Инсон ўсиб ривожланиб борганидек, муомала маданияти ҳам ўсиб янги кирраларни кашф этади.

Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш жараёни уларга риоя қилиш уни самарали ва натижали бўлишини таминлайди. Бу борада бир неча тамойиллар мавжудлиги тадқиқотларда келтирилади: Биринчидан, ғоявийлик ва мақсадга қаратилганлик тамойили. Маълумки, мамлакатимизнинг стратегик мақсади очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва муомала жамиятини барпо этишдан иборат экан, бундай жамият тарақиёти муомала маданияти билан ўзаро узвий боғлиқ бўлади. Жамият миллий ғоя ва миллий мафкурага таянади. Ғоявийлик тамойилини юзага келтиришда муомала маданиятининг ўрни беқиёсдир.

Иккинчидан, ижтимоий йўналганлик тамойилида ҳар қандай тарбия инсонни ижтимоий ва бахтли ҳаётга тайёрлаш қондасидан келиб чиқади. Маълумки таълим муассаси ижтимоий институт ҳисобланиб, давлатнинг таълимий ва тарбиявий эҳтиёжларини қондиришга йўналтиради. Бу тамойил ҳам муомала маданиятини шакллантириш жараёнини ижтимоийлаштиришни тақозо этади.

Учинчидан, онг ва ҳуққ мазмунидаги эски мафкурарий қараш ва сарқитларига зарба бериш тамойилида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиқилади. Унда қайд этилишича “таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган сарқитлардан тўлаҳалос этиш назарда тутилган. Бу борада турли ишлар олиб борилиб ўқувчи ёшларни миллатлар аро мулоқотга таёрлаш жараёнида уларда фуқаролик сифатларини шакллантириш уларнинг онгида муомала маданиятининг туб моҳиятини ёритиб бериш каби вазифаларни олдиға қўяди. Шундай экан, муомала маданияти- умуминсоний маданиятнинг муҳим бўғини ва калити ҳисобланиб, уинсоннинг маънавий комиллик белгисидир. Бугунги кун ёшларимизда фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларда инсоний бурч, масулият ахлоқий- ҳуқуқий билимдонликни ривожлантириш баркамол авлод тарбиясининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, муомала маданияти юксак бўлган инсонда:

- ўзюрти, халқи, она тупроғини севиш ва унга садоқат билан хизмат қилиш,
- жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларни кўз қорачиғидай асраб авайлайди ва уларни кўпайтиришг аҳаракат қилади;
- ўтмиш аждодларимиз таълимоти, урф одатларини ўрганади, кадрлайди ва уларға риоя қилади;
- муқаддас китоблар, қонунлар ва қарорларға бурч маъсулият билан амал қилади;
- ўзини оиласини қариндош уруғларини, сафдошларини, халқини кадрлайди.

Муомала маданиятининг комиллик белгиларида намоён бўладиган хусусиятларидан бири унинг ахлоқий ва ҳуқуқий маданият билан бирлигидир. Малумки ҳар қандай давлат ўз фуқароларининг фаолиятини, интизомини алоҳида назорат қилиб боради. Муомала маданияти одамнинг маънавий етуклигини ва тарбияли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам маданиятли киши эл ўртасида эъзозлидир. Муомала маданияти инсоний фазилатларни, киши қадрини оширувчи қимматли сифатдир. У таълим тарбиянинг асл мевасидир. Ақлнинг суянчиғи ҳисобланган муомала маданияти инсоний фазилатларни, киши қадрини оширувчи қимматли сифатдир, барча фазилатларнинг шаъни ва ҳикмати ҳисобланади. Муомала маданияти- ватанда, жамиятда, миллатда тарихда, тилда, урф-одатда, хатти ҳаракатларда намоён бўлади. Жамият манфаатларини кўзлаш, масулиятли бўлиш, масулиятни англаш муомала маданиятига эга бўлган кишининг ғхусусиятидир. Чунки масулият онгли фаолият, жамият, оила ва ҳаётнинг ўзига хос меъёрини белгилайди. Киши қанча ўз ҳаёлида муомала ҳаётига интилса, шунчалик ўз нуқсонларини англаб, тушуниб боради. Муомала маданияти инсон ўз ички оламининг кўзгусидир. Инсон ўзлигини ана шу кўзгу орқали намоён этади ва ўзини кўради. Бугунги кун маънавий комиллик, шахсларнинг тарбиясида турли хилдаги қарашлар мавжуд бўлиб, унинг аксини муомала маданияти қайдаражада эгалланганлигида кузатиш мумкин.

Маънавий комил инсон қадимдан неча буюк боболаримизнинг азалий орзулари ҳисобланиб бугунги кунға қадар етиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолға етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз- ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишини олдини олишдир деган” сўзлари мағзида ҳам айна шу ҳақиқат мужассам.

Маънавий баркамол шахс тарбиясида муомала маданиятини шакллантириш, бевосита ўқитувчининг инновацион фаолиятға тайёргарлигининг ижтимоий ва касбий сифатлари нафақат таълим муассасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятға, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги муомала маданияти билан боғлиқдир. Инновацион ғояларни йўлга қўйиш учун муомала маданияти шаклланган тарбия берувчилар, таълим-тарбия масканининг асосий бошқарув негизини дарсхона ёки аудиториядаги таълимни яъни, дарс жараёнини тўғри бошқаришдан, аниқ қарорлар

кабул қилишдан иборатдир. Фуқаролик жамиятини куриш бугунги кун вазифаси деб қаралар экан, унинг асосий замирида муомала маданияти шаклланган жамият аъзолари туради. Абу Наср Форобий “маънавият- тараққиёт белгиси, чинакам тараққиёт бойлик ёки шаҳарнинг катталиги, мол мулкнинг кўплиги, ҳосил кўплигида эмас, балки шу ўртада камол топган инсоннинг маданий қиёфасидир” –деб таъкилайди.

Ибн Сино эса фуқароларнинг ҳаёти ва фаолияти мамлакатнинг кичик ячейкаси бўлган жамоада таркиб топиши амалга ошиш ва ривожлана бориши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича инсон уни ўраб олган табиат ва табиий ҳодисалардан ташқаридаги нарсаларга муҳтожлик сезадики, бу нарсаларни фақат жамоа бўлиб меҳнат қилиш орқали яратиш мумкин. Ўз ўзидан маълумки жамоа аъзоси сифатида фаолият юритиш учун аввало инсонда муомала маданияти шаклланган бўлиши керак. Шундагина у жамоадошлари билан яхши тил топаолиши ва ўз фикрини мустақил баён этиб, фикр алмашина олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак муомала маданияти камол топган инсон жамиятдаги ўз ўрнига эга бўлиши осон бўлади, чунки ҳар қандай вазиятда ҳам ширин сўзлик инсоннинг мудроқ ҳаёлотини ёритади, унга самимий ҳисларини уйғотади.

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Нишонбоева Қ.В. доцент, т.ф.н.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада бугунги олий таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлик негизида акс этувчи кўплаб сифатларга эга бўлиш масалалари ўз аксини топган.

Abstract: The article addresses the issues of having many qualities that are reflected in the professional competence of professors and teachers working in today's higher education system.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Чунки, бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар икки миллиард кишини ташкил қилиб, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб етиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилиши борасида тинмай, қатъият билан ҳаракат қилинмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонни имзоланиши ва бу аҳамиятга эга бўлган ҳужжатда таълим сифатини тубдан яхшилаш ва таълим жараёнига боғлиқ бўлган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ инновацион таълимга эътибор қаратиш билан бир қаторда талаба ёшларда “компетенциявий ёндошувга асосланган таълим” тизимини яратишга ҳам аҳамият берилди.

Замон талаби шиддат билан ўзгариб бораётган, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ўзгариб бормоқда ва профессор-ўқитувчилардан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этмоқда. Бугун профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифаси фақат таълим беришдан иборат бўлиб қолмай, балки таълим олувчиларнинг таълим олиш жараёнини бошқарувчиси бўла олишдан ҳам иборатдир. Бу вазифаларни бажариш учун профессор-ўқитувчилардан таълим жараёнини инновациялар асосида ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади. Инновацион фаолият биз педагогик жамоа олдида юксак маъсулият юклаш билан бир қаторда, педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи, замон билан қадам ташлашга ёрдам берувчи жараёндир.

РЕКЛАМА ТАРИХИ ВА УНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ Исмаилова Л.Х., Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ, Ўзбекистон	527
ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТИЛ БИЛИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ Ходжиматова М.Қ., Қўзибоева Ў.А.- Фарғона, Ўзбекистон	528
ЭТНОСЛАРАРО ЖАРАЁНЛАР ВА ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ Жумаев Т.Х., катта ўқитувчиси Тошкент Архитектура-қурилиш институти, Ўзбекистон	529
“ДОМИНО” ДИДАКТИК ЎЙИНИДАН ФОЙДАЛАНИБ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА УМУМИЙ ФИЗИКАНИНГ “ФОТОЭФФЕКТ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ Махмудов Анвар Абдулла ўғли Тошкент темир йўл мухандислари институти ўқитувчиси. Ўзбекистон.....	533
АНАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ПЕДТЕХНОЛОГИЯ УСУЛЛАРИНИ ЭКОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ҚУЛЛАШ Набиев У.А., УЗМУ, Ўзбекистон	536
WAS IST EIN KOMPETENZORIENTIERTER DEUTSCHUNTERRICHT? Бахридинова М. Бахридинова.Э.-АДУ, Ўзбекистон	538
МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА НОСТАНДАРТ ЕЧИМ ЙЎЛИГА ЭГА БЎЛГАН МАСАЛА-ТОПШИРИҚЛАР Юсуфзода Ш.Ю.- БухДУ, Ўзбекистон	539
ТА’ЛИМ ТИЗИМЛАРИДА MASOFAVIY OQITISH TIZIMINI QO’LLANILISHINING TEKNOLOGIYALARI, YUTUQ VA KAMCHILIKLARI Bekmetova Sh.Q.-TDPU, O’zbekiston.....	543
ТИЛ ЛУҒАТ ТАРКИБИДА НЕОЛОГИЗМЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНING ЗАРУРИЯТЛАРИ Жалилов О. - ЎзЖДТУ, Ўзбекистон.....	545
АЗИМ СУЮН ШЕЪРЛАРИДА ОТА-ОНАГА МУҲАББАТ ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА Келдиёрова Н.-ЎЗРФА, Ўзбекистон	546
PLACES OF PERSONAL AND SOCIAL VALUES IN THE FORMATION OF A PERSON’S LIFE POSITION Mamatkulov S. T., JizSPI, Uzbekistan	549
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ Собиржонова М. С., Денауский филиал ТГУ. Узбекистан.....	550
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ Сафарова Н. ф.ф.н, доц. БухДУ, Ўзбекистон Халилова Ш. БухДУ талабаси, Ўзбекистон	551
ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ Нишонбоева Қ.В. доцент, т.ф.н. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон	555